

МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ЮКСАЛИШДАГИ ЎРНИ

Тошбоев Бобомурот, ЖДПИ доценти

toshboyev@jspi.uz

Бугунги кунда миллий менталитетдаги ўзгаришларга ҳам табиий, ҳам тарихий жараён сифатида қараш назарий ва илмий-амалий жиҳатдан тўғри бўлади, деб ўйлаймиз. Чунки, миллатнинг узоқ йиллик истибдод давридаги зулм, таҳқирлаш, миллат характериға хос туйғуларни мустамлакачилар томонидан йўққа чиқаришга уринишлар менталитет ўзгаришларига айнан ана шу тарзда ёндашишни талаб этмоқда. Айниқса, яқин ўтмишимиз, хусусан, Чор Россияси ҳамда советлар мустамлакачилиги даврида халқимизга хос бўлган ҳамжиҳатлик, жанговорлик, ҳар ишда сўз ва амал бирлиги сингари фазилатларга жиддий зарар етказилди. Халқ орасида миллий бирликка интилишдан кўра, гуруҳий, этник, маҳаллий ва худудий айримачиликка берилиш кучайди... Халқ миллий менталитетидаги тақдирга тан бериш, ҳамма нарсага рози бўлиб кетавериш, лоқайдлик каби хусусиятлар авж олди¹. Бундай аянчли ҳолатлар миллатимиз тарихида бир неча бор такрорланган. Араблар босқини ва мўғуллар истилоси даврида ҳам ана шундай зулм ва тажовузлар миллат руҳига салбий таъсир этгани, шубҳасиз. Оқибатда доно халқимиз ҳикматларида айтилган «бош ёрилса – бўрк ичида, илик синса – енг ичида» деб итоаткорона яшаш тарзига кўникиш миллий характердаги лоқайдлик, журъатсизлик кайфиятини келтириб чиқарган.

Ўз навбатида, юрт бошига тушган қирғинбарот урушлар, иқтисодий ва маънавий хўрланишлар миллат табиатида бефарқлик, конформизм, мутелик, ҳар қандай зўравонликка кўникиш каби иллатларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

¹ Қаранг: Атажонов Ш., Аширов А. Этнология. – Тошкент.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. 130- б.

Жадид маърифатпарварлигининг асосчиларидан бири Абдурауф Фитрат ўз даврида бундай ҳолатларнинг миллат кайфияти ва характерида намоён бўлиш сабабларига ва даҳшатли оқибатларига тўхталиб, шундай ёзган эди: «Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик. Қўлимиз боғланди. Тилимиз кесилди. Оғзимиз қонланди. Еримиз босилди, молимиз таланди. Шарафимиз емирилди, номусимиз ғасб қилинди. Инсонлигимиз оёқлар остига олинди. Тўзимли турдик, сабр этдик. Кучга таянган ҳар бир буйруққа бўйсундик. Бутун борлигимизни қўлдан бой бердик...»².

Сиёсатшунос Т.Алимардонов таъкидлаганидек, “Жазо калониясига айланган жамият ва унинг коррупцион муҳити СССРнинг яқка ҳукмронликка асосланган монопол бошқарувида, ишлаб чиқариш муносабатларининг маъмурий-буйруқбозлик асослари замирида ётади. Ўғирлик, талончилик, порахўрлик, кўшиб ёзиш, фириб, иккиюзламачилик, таниш-билишчилик, товламачилик, боқимандалик, лоқайдлик, бефарқлик каби иллатлар шу тузум табиатидан келиб чиққан хусусиятлардир»². 130 йилдан зиёд давом этган мустамлака зулми миллат қиёфаси, дунёқараши ва орзу-интилишларига қанчалар салбий таъсир этганлигини изтироб билан эътироф этиш зарур. Шу билан бирга, ана шу мудҳиш истибдоднинг миллат турмуш тарзидаги асоратлари ҳақида ўйлаганда, ҳамжиҳатликнинг етишмаслиги сабабларини миллий яхлитликнинг сустигидан қидириш зарур, деган фикрда ҳам муайян асослар бор, албатта.

Чунки, миллий мустақилликнинг қўлдан берилиши, мустамлакачилик асоратига тушиб қолишнинг ўзига хос сабаблари ҳам борки, у узоқ мозийга бориб тақалади. Бир мисол. Агар Амир Темур эл бошини қовуштириб, қудратли салтанатга, мустақил давлатга асос солган бўлса, кейинги хон ва амирлар бу салтанатни бузиш, ўзаро низолар орқали вайрон қилиш билан машғул бўлдилар. Демак, миллат таназзулидаги энг асосий сабаб ноаҳиллик, жаҳолат, қоқоқлик каби иллатлар билан боғлиқ бўлиб, у ўзининг ўтмиши

² Абдурауф Фитрат. Чин севиш. (Шеърлар, драмалар, мақолалар). – Тошкент.: 1996. 13- б.

² Алимардонов Т. Ўчмас Шараф. – Тошкент.: Доно нашриёти, 2017. 215- б.

билан туташ илдизларига эга. Бунинг натижаси ўлароқ кишиларда танбаллик, эртанги кунга ишончсизлик, миллат характеридаги ижобий сифатларнинг сўниши каби иллатлар ҳам томир ота борган. Бу хатарли ижтимоий иллатни А.Фитрат «Ҳинд сайёҳи» қиссасида қуйидагича тасвирлайди: «Донишманд сайёҳ Қаршида алоча тўқувчи мохир устадан Овруроода ўз ишларининг ўн-йигирма, ҳаттоки юз-икки юз йил кейинги ривожини кўзда тутадилар. Сиз ҳам хунарингизнинг келгуси тақдирини ҳеч ўйлайсизми – деб сўрайди. Шунда уста: «Ҳозир ишимиз яхши, ўн йилдан кейин ким тиригу, ким ўлик», – деб жавоб беради»¹.

Ана шундай хушёқмаслик касали миллатнинг, ҳатто энг илғор намояндалари, мохир хунарманд-усталар руҳиятига ҳам сингиб кетган эди. Узок ўтмиш билан боғлиқ ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги бу ҳолат эса халқнинг ташқи тазйиқлар, хавфларга қарши тура олиш, курашчанлик каби хусусиятларини, миллий иммунитетни сусайтириб юборди. Натижада, халқимиз табиатида, феъл-атвори ва хатти-ҳаракатида айрим салбий хусусиятлар пайдо бўлди.

Хусусан, турли ижтимоий, сиёсий ва ҳаётий ҳолатларда аҳолининг муайян қатламлари вакилларида сўз ва иш бирлиги маълум даражада бузилди.

Одамлараро мулоқотлар тизимида, шахснинг ўз кучига, жамият тузилмаларига нисбатан муносабатида ишончсизлик ҳисси юзага келди. Мулоқотдаги ана шундай мураккаблик мустабид тузум таъсирида янада чигаллашди.

Халқ феъл-атворида янгиликларга интилиш, яратиш, бунёдкорлик ҳисси эмас, тақдирга тан бериш, тангридан паноҳ излаш, қаноат, сабр-бардош, кўникиш, ҳамма нарсага рози бўлиб кетавериш, ҳамма нарсага лоқайдлик майли устунлик қилиб, бу умумий ҳолат тусини олди. Гуруҳбозлик, айирмачилик, маҳаллийчилик тенденциялари кучайди.

¹ Гафуров И. Ижтимоий онг ва Фитрат // Жамият ва бошқарув. №1, 1997. 27- б.

Маълумки, ижтимоий тараққиётдаги тез ўзгариш табиий равишда аҳолининг баъзи тоифаларини маргинал гуруҳларга айлантиради, бу тоифа одамлар янги, илғор сиёсий ва маданий қадриятларга мувофиқлашув, уйғунлашув даражаларининг пастлиги сабабли қийинчиликлар сабабларини четдан излашга мойил бўладилар. Маргинал шахслар ўзлари тушиб қолган тутқунликдан чиқиш борасида етарли иродага эга бўлмасдан, ғайрат-шижоат намойиш эта олмайдилар ҳамда ҳамиша норози кайфиятда юрадилар.

Бундай ҳолатлар шахс миллий характерида ҳамжиҳатлик, яқдиллик туйғуларини камол топтиришга халақит бериши табиий. Шу боисдан ҳам бундай нуқсонларни бартараф этишга эришиш зарур.